



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 19 июл, шанба № 111 (1536)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар - маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

18 июл кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш яқунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор иқтисодий ривожланиш давом этгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамлангани, тўлов интизомини ошгани, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мутаносиблиги кучайгани ҳақида гапирди. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўларок, барча соҳаларда муайян ютуқларга эришилди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 103,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,0 фоиз ва пулли хизматлар ҳажми 104,4 фоиз ўсди.

Ушбу рақамлар иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш жараёнлари жадал ва самарали давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан ҳисобланувчи хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Ҳисобот даврида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимиз хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги рўлини ошириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар талаблари тўла ва кўнгилдагидек ижро этилмаётганига алоҳида тўхтади.

Ўтган даврда иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳукумат қарорлари, дастурлар, бошқа муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга йўналтирилган амалий ишлар давом этмоқда. Мажлисида ана шу ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд аҳвол танқидий нуқтаи назардан теран таҳлил этилди.

Шунингдек, фермер ҳўжалиklarини ривожлантиришнинг янги поғонага кўтариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг қўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратраспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш суёт бораётгани оқибатида қурилиш ишларини вақтида бажариш ва объектларини фойдаланишга топшириш қонқарисиз аҳволда экани жиҳдий кўрсатиб ўтилди. Қишлоқ савдолари ўтказишда қонун бузилишлари ҳамон давом этаётгани, қурилиш қийматининг ошириб борилиши ҳўллари мавжудлиги, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими талаб даражасида ривожланмаётгани, хусусий қурилиш ташкилотлари раванқига эътибор қаратилмаётгани кўйд этилди.

Йилгилида иқтисодий ва демократик янгиланишлар йўлига қўйиб бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизими нуқсонларини бартараф этиш зарурилиги таъкидланди. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётини бошқариш тизимини тақомиллаштириш, шу жумладан, давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта кўриб чиқиш ва бошқа долзарб вазифалар бўйича тегишли тасвиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазир Р.Азимов, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир А.Жўраев, давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Аскарлов, Наманган вилояти ҳўким Т.Жабборов, Сирдарё вилояти ҳўким Р.Ҳайдаров ва Хоразм вилояти ҳўким И.Бобоҷоновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

ҚУДРАТИМИЗ - ДЎСТЛИК ВА ТУТУВЛИҚДА


Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Байналмилал маданият маркази «Ватан» маҳалласида «Қудратимиз дўстлик ва тувуликда» мавзусида тадбир ўтказди. Унда Ўзбекистонда фаолият юртувчи дипломатик корпус вакиллари, маҳалла жамоатчилиги ва ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақил юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб яшаб, миллатлар ҳамда фуқаролар ҳамжиҳатлиги тобора мустаҳкамлашга бормоқда, деб таъкидлади. Турмушимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган тўв ислохотлар фуқароларимиз тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар омиллига айланмоқда.

Виждон эркинлиги кафолатлари, республикада яшовчи турли миллатлар вакиллари тили, анъана ва маданиятларини ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жорий йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши ҳамда шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг ҳаётга таъбиқ этилиши ушбу демократик жараёнларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Бунинг ёрқин мисоли - 40 миллат вакиллари жамланган мазкур «Ватан» маҳалласидир.

(ЎЗА)



2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш яқунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

Президент Ислоҳ Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги йилгилишимиз кун тартибига йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан яқунланди. Корхоналарнинг солиқ юкни энгиллаштириш ва солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик яқунларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдалан олинган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун ички фонддан ижтимоий суғурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга пасаитирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаолигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мубайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган банк инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта захираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиш даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажми 36 фоиз оширишга имкон туғдирди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортимб бормоқда. Буни одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва минибанклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар қўлайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 530 тадан ошиб кетди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер ҳўжалиklarининг банк тизими хизматларидан фойдаланиши имкониятлари анча кенгайди.

Каттик пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган чоралар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириб бораётиш амалга оширилган чора-тадбирлар инфляция суръатларини пасаитиришда ижобий рол ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта - сўмимизни хар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банкараро валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қўрилган чоралар, биринчи ярим йилликда турган асосий вазифа, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

бўйича қўрилаётган чоралар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириб бораётиш амалга оширилган чора-тадбирлар инфляция суръатларини пасаитиришда ижобий рол ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта - сўмимизни хар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банкараро валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашув курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шаклланган курслар ўртасидаги фарқ деярли барҳам топди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Биз ярим йиллик фаолиятимиз яқунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, миришорча ва фидойи деҳқонларимиз, галлакорларимизни жорий йилда дон етиштириш ва давлатта сотиш бўйича қўлга киритган улкан галабалари билан таъриқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бу йилги нуқул об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан шу кунга қадар 4 миллион 300 миң тоннадан зиёд галла ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Сурхондарё вилояти галлакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатта дон сотиш бўйича белгиланган топшириқни бажардилар.

Андижон, Бухоро, Намой, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бугуннинг ўзида Тошкент ва Наманган меҳнаткашлари ҳам ўз мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Қолган вилоятларнинг галлакорлари ҳам зиммага олган мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Хозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда галлачилик ҳам қишлоқ ҳўжалигининг оқибатига алоҳида эътиборга сазовор.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиштирилади. Ўз моҳияти эътиборига қўра бу қадар улкан галабани бундан аттиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга қаратилган миллий дастурни амалга оширишга қирришган пайтларимизда фақатгина оруз қилиш мумкин эди, холос.

Қиёслаш учун шуни таъкидлашимиз кераки, 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 миң тонна галла етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган. Яъни, ўтган давр ичида галла ишлаб чиқариш 5,5 қарра ўсган.

Бугун мана шу юқоқ минбардан туриб, барча галлакорларимизга, лафза ҳўлол, мард ва танги деҳқонларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига, қўжалик, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг қудратли, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қўлаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбидан самийий миннатдорлик изҳор этиш менга чексиз мамнуният бағишлайди.

(Давоми 2-бетда)

таркибидагу улуси 35 фоиздан 41 фоизга кўтарилгани ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари миқдорига ижобий сальдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоблари ўз муддатида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кучаймоқда.

Узоқ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялпи экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизини ташкил этмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далолатдир.

Ана шу сиёсатини амалга оширишнинг муҳим йўналиши - бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгиллаш, хорижий инвестицияларнинг жалб этиш, маҳаллий қомашини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Биз ярим йиллик фаолиятимиз яқунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, миришорча ва фидойи деҳқонларимиз, галлакорларимизни жорий йилда дон етиштириш ва давлатта сотиш бўйича қўлга киритган улкан галабалари билан таъриқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бу йилги нуқул об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан шу кунга қадар 4 миллион 300 миң тоннадан зиёд галла ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Сурхондарё вилояти галлакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатта дон сотиш бўйича белгиланган топшириқни бажардилар.

Андижон, Бухоро, Намой, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бугуннинг ўзида Тошкент ва Наманган меҳнаткашлари ҳам ўз мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Қолган вилоятларнинг галлакорлари ҳам зиммага олган мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Хозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда галлачилик ҳам қишлоқ ҳўжалигининг оқибатига алоҳида эътиборга сазовор.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиштирилади. Ўз моҳияти эътиборига қўра бу қадар улкан галабани бундан аттиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга қаратилган миллий дастурни амалга оширишга қирришган пайтларимизда фақатгина оруз қилиш мумкин эди, холос.

Қиёслаш учун шуни таъкидлашимиз кераки, 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 миң тонна галла етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган. Яъни, ўтган давр ичида галла ишлаб чиқариш 5,5 қарра ўсган.

Бугун мана шу юқоқ минбардан туриб, барча галлакорларимизга, лафза ҳўлол, мард ва танги деҳқонларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига, қўжалик, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг қудратли, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қўлаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбидан самийий миннатдорлик изҳор этиш менга чексиз мамнуният бағишлайди.

(Давоми 2-бетда)

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

Иқтисодий ти кишлоқ хўжалигига ихтисослашган Сирдарё вилояти истиклол йилларида саноати гуркираб ривожланган ҳудудга айланиб бормоқда. Тўғри, бундан ўн йил илгари ҳам бу ерда 10 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқариш эди. Айни чоғда бу кўрсаткич 40 турдан ошди. Илганиш, интилиш, замонавий корхоналар барпо этишга уриниш бир зум ҳам сусайгани йўқ.

Айниқса, кейинги олти ойда том маънодаги изланиш, нуқсон камчиликларга барҳам бериш йўлидаги уринишларга бой бўлди. Одамлар кайфиятида Сайхундек жўшқинлик, юртга меҳру садоқат

уфурмоқда. Ўз ақлу шижоати, юрт манфаати йўлидаги интилишлари билан бунёдкорлик, яратувчилик қўл урганлар кўп. Улар мустақиллик шарофати туфайли мулкдорга, хусусий корхона эгасига айланиб, фаровонликка хизмат қилишга бел болаганлар. Чунки, давр ўзгарди. Далада ёқуд корхонада бир кўриниб қўйиб, белгиланган маошини кутиб ётадиганлар йўқ энди. «Нексия» минган дехқон миллионларни чўтлаётгани ҳам ҳеч кимни ажаблантирмайди. Фалончи фалон маҳсулот ишлаб чиқарибди, дейишса ҳам ҳеч кимнинг хайрати ошмайди. Бу бир табиий ҳолга айланди.

МИРЗАЧЎЛ ЛОЧИНЛАРИ

У ҳам бошқалар қатори ер олди. Чорвачиликни кучайтирди. Эллика ақин ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади. Биргина ўтган йили лангачилиқдан 42 миллион, бугундан 15 миллион сўмдан ошириб даромад қилди. Йилни 20 миллион соф фойда билан аяқлади. Чорвада, далада ишлаётганлар шароитини яхшилади. Бу йил эса бу кўрсаткич бир неча баробарга ошиши кутилапти.

Сайхунободлик Зокир Абдураззоқов фермер хўжалиги тоғдан соф даромадини спорт ишларини ривожлантиришга, ёш авлоднинг бардамбакуват бўлишига ажратган. У Т.Фулломов номи футбол жамоасига ҳам ҳомийлик қилади. Спортчиларни тўлиқ спорт кийим-кечакари ва зарур анжонлар билан таъминлаб келяпти. Яқинда у ҳомийлик қилаётган футбол жамоаси туман беллашувида иккинчи ўринни банд этиб, 100 минг сўм пул билан тақдирланди. Зокир ака от спортини ривож-

лантириш тарафдори. Ота-боболар мероси кўпқари унинг жону-дили. Хонадонда 9 бош чопагон отни парваришлаб келяпти. Чавандозликка мойиллиги бор ёшлар бу хонадоннинг доимий меҳмони. Фермер уларга чавандозлик сир-асорларини ўргатади.

Вилоят иқтисодиётига салмоқли улуш қўшаётган фермерлар хайрилик савоби ишлардан ҳам четда қолмаяпти. Мингдан ошқ фермер хўжаликлари мактаблар, боғчалар, кам таъминланган хонадонлар, ижтимоий муҳофазага муҳтожларга даромадларининг бир қисmini ажратиб келишапти. Бу эса мулкдорларимизда эл-юртга меҳр-оқибати, садоқатини намоян этмоқда. Мирзаҷўлда ер соҳиблари 30 мингга яқин аҳолини иш билан таъминлаётгани соҳа истикболдан даракдир.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

«ТОШГУЗАР-ДЕҲҚОНОБОД»

темирйўлчилари ҳузурда

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси тарихига республикамиз мустақиллигининг 12 йиллиги қатта қурилишлар йили сифатида кириб келди. Янги қурилаётган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» йўналишини ана шулардан бири. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил мазкур темир йўл шохобчалари қурилишини жадаллаштиришга оид қарори эълон қилинган кўндан бошлаб, муҳандислик коммуникацияларини қайта қуриш бошлаб юборилди.



Айни чоғда сунъий иншоотларни барпо этиш, йўлнинг устки қатламини ётқизиш, «Дехқонобод» ҳамда «Тошгузар» станцияларини қуриш бўйича белгиланган ишлар жадал суръатларда олиб боришмоқда. Ушбу темир йўлнинг Қашқадарё вилоятдан ўтган ва умумий ҳажми 56,8 километр бўлган «Тошгузар-Дехқонобод» участкасида ҳам ишлар қизғин. Сурхондарё вилоятида эса йўлнинг узвий давоми бўлган «Бойсун-Қумқўрғон» шохобчасида бунёдкорлик ишлари авж олган.

Қурилиш ишларини «Ўзбектрансқурилиш», «Транссаноатқурилиш», «Кўприкқурилиш», «Автойўл» давлат акционерлик компаниялари ҳамда бошқа ташкилотлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятидаги «Тошгузар» ва «Дехқонобод» бекатларидаги биноларнинг қурилиши ҳам тугалланиш арафасида.

Бунёд этилаётган мазкур темир йўл шохобчаси қурилишида бугунги кунда 300 дан зиёд техника воситалари юқори унум билан ишлатилмоқда. 600 нафардан кўпроқ ишчи-хизматчи мазкур иншоотни ўз вақтида ишга тушириш учун кунни-тунга улаб меҳнат қилмоқда. Натигада шу кунгача бу ерда 4 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди.

Бу компаниянинг бунёдкорлик ишларидан бири ҳоло. Жорий йилнинг ярим йиллиги давомида компанияда юк ва йўловчилар ташиш режаси ортиси билан бажарилиши ҳузурда

янгиликлар талайгина. Масалан, республикамиз темир йўллари тарихида биринчи марта Андижон механика заводидан янги тўрт ўқли вагон цистерналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Айни кунларда тажриба нуқсаси тайёрланди. Жорий йил охиригача эса 50 та ана шундай цистерна ишлаб чиқарилади.

Жамоанинг қўлга қиритиб олиш тарихида тармоқ ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, компания маъмурияти ҳамда тармоқ касабга уюшмалари Марказий қўмитаси ўртасидаги 2003-2004 йиллар учун қабул қилинган битимда темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари моддий фаровонлигини ошириш, соғломлаштириш, иш жараёнида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш каби ишлар ўз аксини топган.

Айни вақтда компания тасарруфидоги бешта болалар оромгоҳи, иккита 300 ўринли санаторий-профилакторий, «Чимён» санаторийи ҳамда «Хўжақент» пансионатида меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Бир неча шифохоналарда ҳам соҳа меҳнатқашлари ўз соғлиқларини тиклашмоқда. Корхона фахрийлари ҳамда уруш катнашчилари маъмурияти ҳамда тармоқ касабга уюшма Марказий қўмитасининг доимий диққат эътиборида. Бундан ташқари кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш учун дастурлар қабул қилинган бўлиб, улар ҳаётга изчиллик билан тadbик этилмоқда.

Компания маъмурияти ҳамда тармоқ касабга уюш-



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан

малари Марказий қўмитасининг ташаббуси билан жорий йилнинг 7 июн куни ўтказилган ҳаёларда 14 минг нафардан зиёд темирйўлчи қатнашди. Корхона ҳамда маҳаллалар ҳудудларида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Шу кун ишлаб топилган маблағнинг 20,4 миллион сўми «Экосан» халқаро жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

Обод маҳалла йили муносабати билан маҳаллалар билан баҳамжихат иш олиб борилмоқда. Жумладан, тармоқ касабга уюшма ташкилотлари томонидан 11 та маҳалла фахрийларига сихатгоҳларда даволанишлари учун имтиёзли йўланмалар ажратилди. Қўнғирот минтақавий темир йўли томонидан маҳалла идораси куриб берилди. Бу ҳоро бекатидоги «Локомотив» уйингоҳи маҳалла болаларига хизмат қилмоқда. Тошкент минтақавий



Компания тасарруфидоги саноат корхоналарида йил бошидан буён 19,3 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Кенг халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 180 миллион сўмини ташкил этди. Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш компаниянинг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Бу ўта муҳим ишни маромида амалга ошириш учун жамоа тинмай ишланмоқда. Натигада ҳаракат хавфсизлиги борасидаги кўпгина нуқсонлар барҳам топиб, йўл қўйилган хатолар сонини ўтган йилгига нисбатан анча камайдди. Бир сўз билан айтганда, дилни хушнуд қиладиган

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» муҳбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда ОРОЛЬЎЙИ БОЛАЛАРИ МЕҲРИБОНЛИК ОҒУШИДА

Янгиақриб тумани халқ таълими бўлими ва касабга уюшма қўмитаси мактабларда таълим сифатини яхшилаш ва ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тadbирлари қатнашишида муҳим ўрнига эришди. Бундан ташқари, замонавий биноларга эга бўлиб, уларнинг моддий базаси тубдан яхшиланди. Бугунги кунга келиб 16-24-мактаблардаги маънавият хоналари ўқувчиларнинг энг сеvimли масканига айланган. Беруний, Аваз Утар номи мактабларнинг кулолчилик цехларида ўқувчилар қўли билан ишлаб чиқарилган бежирин гултуваклар харидорларга манзур бўлмоқда. Мавжуд 17,2 гектар ердан келиб тушган маблағ ушбу мактаблар зарурати ва кам таъминланган ўқувчилар учун сарфланмоқда. Ўтган

йўл йилида кам таъминланган 1385 нафар болага 19 миллион 864 минг сўмлик кийим-бош, 26 нафар болага ногиронлик аравачалари олиб берилди. Ўтган йўл йили давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига 23 миллион 992 минг сўмлик бепул дарсликлар тарқатилди.

Спортга алоҳида эътибор қаратилаётганига сабаб туман ёшлари Хоразмда ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика босқичида мунофақиятли қатнашиб, қўл тўпи бўйича қизлар жамоаси I ўринни эгаллади. Кураш бўйича битта олтин медал қўлга киритилди. Америка Қўшма Штатларининг «Тинчлик» корпуси билан ҳамкорликда «Спешинг Олимпикс» йўналиши бўйича ногирон болалар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш ҳам мунтазам йўлга қўйилган. Туманда спорт, футбол мактаблари, тарбиявий ишлар маркази ишлаб турибди. Турли йўналишдаги 411 та тўғарақда 10 минг 300 нафар ёш-

Ялғаш САРИБЕВ, «Ишонч» муҳбири

«Юлдуз» акциядорлик жамияти Мангит пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 66 фоизи Швейцария, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой ва Россия мамлакатларига жўнатилмоқда.

66 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Корхона жорий йилнинг ўтган олти ойда режадаги 1 миллиард 584 миллион 100 минг сўм ўрнига 1 миллиард 585 миллион 210 минг сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Шундан корхонада 2980 тонна тола, 4821 тонна чигит, 155-166 тонна момиқ тайёрланди. Акциядорлик жамияти қошидаги тикувчилик, нотўқма мато ва хўжалик ватасини ишлаб чиқариш цехларида 58437 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Корхонада ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш, атрофни ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Кутубхона, чойхона, тиббий бўлим, тиш даволаш хонаси мунтазам ишлаб турибди.

Жорий йилда тўрт ишчи-хизматчиға сихатгоҳга йўланма берилди. Шунингдек ишчиларга 586 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Қариялар уйига 377 минг 299 сўмлик кўрпа-тўшак ва жилдлар тўплами ҳада қилинди. Яқин кунларда бу ерда хўжалик совуни ишлаб чиқариш цехи ишга туширилади.

«Туркистон-пресс»

ЭРКИН МЕҲНАТ ШУКУҲИ

Кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари ҳамда мулкчиликнинг бошқа турли шакллари ривожлантириш ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш орқали халқ фаровонлигини юксалтиришнинг асосий омилларидан биридир. Ўртачирик туманидаги «Мирдавлат» фермер хўжалиги аъзолари ҳам ана шундай хайрли мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётганлар. 20 нафар фидойи инсонни бир муштарақ мақсад атрофида бириктирган хўжалик 1999 йил ташкил этилган. Жорий йилда 50 гектар ерга барака уруғини қадаган бободоҳқонлар режадаги 126 тонна ўрнига 140 тонналик галла хирмонини уйишди.

Барча соҳаларда режани ортиги билан бажараётган фермер хўжалигининг келгуси режалари янада улкан, дейди фермер хўжалиги етакчиси Зокир Фозилов. — Ҳозир тумандаги 9 та болалар боғчаси ҳамда вилоят кардиология шифохонасига кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бераётган бўлса, ҳудуддаги мактаб ўқувчиларини доимий иссиқ овқат билан таъминлаш, шунингдек, аълочи ўқувчиларга стипендия жорий қилишни ҳам уйлаяпти. Халол меҳнат қилиб, қарилгаштини сураётган кесаларимиз, ногиронлар, яқка-ёлғиз яшовчилар ва бошқа кўнгли ярим инсонларга ҳам моддий-маънавий ёрдам кўрсатишни инсонийлик бурчимиз деб биламиз.

Ахмад ХУДОЁРОВ



«Халқ банки»нинг Куйичирчиқ тумани бўлимида ва унинг жойлардаги 11 та шохобчалари томонидан аҳоли ҳамда юридик ташкилотларга намунали банк хизматлари кўрсатиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Суратда: бўлим мутахассислари И.Рафиев ҳамда К.Тангирбоевлар мижоз М.Маматов билан мулоқотда.

Қашқадарё вилояти коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ислохотларнинг бориши, ичимлик суви таъминоти, уй-жой фондидан фойдаланиш, иссиқлик ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, киши мавсумга тайёргарлик қандай олиб борилапти?

Вилоят ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлиналари томонидан хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, тармоқни тубдан ислоҳ қилиш соҳасида кенг қўлама тadbирлар амалга оширилди. Бултўр 18,5 миллион сўмлик табиий газ, 11,6 миллион сўмлик электр қуввати, 28,5 миллион сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари тежаб қолинди.

Шаҳар ва туманлар марказлари, маҳаллалар ва бошқа аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштиришга эътибор оширилди. Минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилди.

Вилоятда 73 та уй-жой мулкдорлар ширкати тузилган бўлиб, улар тасарруфидога 1455 та кўп қаватли уйлар бор. Ширкатларга икки йил мобайнида моддий-техника ресурслари орқали 28,4 миллион, молиявий манбалар томонидан 77,2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. 13 миллион сўмлик имтиёзли банк кредитлари ажратилди.

Ҳўш, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қандай натижа берапти? Эътироф этиш керакки, ичимлик суви таъминоти ўсиб бораётган талаблардан орқанда қолмоқда. Воҳадаги «Сувоқава» корхоналари томонидан бир кунда 257 минг куб метр ичимлик суви ишлаб чиқараяпти. Қурилаётган чоратadbирларга қарамасдан оби-хаёт исрофгарчилигига барҳам берилгани йўқ. Айни пайтда бу соҳада

йўқотилган ичимлик сувининг 65,5 фоизи Қарши шаҳрига тўғри келади. Шаҳарнинг Эскианхор, Беклар, Мағзон, Ороловул, Отчопар сингари маҳаллаларида ичимлик сувидан фойдаланишда ўзбосмичаликка йўл қўйилаяпти. «Ўзбеки-

стон овози» кўчасида ичимлик суви зовурга оқизиб қўйилган. Шаҳарда 14 мингга яқин сув ўлчаш асбоблари ўрнатилганига қарамасдан, ускуналардан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Вилоят марказидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда аҳолининг «Сувоқава» ташкилотларидан қарзи 700 миллион сўмдан ошиб кетди. Мавжуд сув хавзаларини кенгайтириш, эскириб қолган 285 километр узунликдаги қувурларни алмаштириш, 9 та насос станциясини таъмирлаш даркор. Ичимлик суви тармоқларидаги носозликлар ҳам оби-хаётнинг беҳуда исроф бўлишига олиб келимоқда. Беклар маҳалласининг Сардоба кўчасида яшовчи К.Комилонинг ёшичи, уч йилдан бери ичимлик суви танқислиги сезилиб турибди.

2006 йилга бориб вилоят бўйича 49232 дона сув ўлчаш асбоб-

Муаммо кўндаланг қўйилади

лари ўрнатилиши белгиланган. Ҳозирга қадар 18 минг донадан ортиқ бундай ускуналар ўрнатилганлиги ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш, истеъмолчи билан таъминотчи ўртасидаги ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш имконини яратди.

Аммо вилоятнинг Нишон, Миришкор, Гузор, Косон, Касби ва

ҳити вужудга келтирилмас экан, тармоқда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва таннархини камайитиришга эришиш қийин, албатта. Холбуки «Иссиқлик манбаи» ташкилотининг дебиторлик қарзлари 327,2 миллион, аҳолидан қарзи 199,8 миллион сўмга етди. Қарздорлиқнинг 94 фоизи Қарши шаҳри ташкилотлари ва

бошқа туманларида ичимлик суви вақтида етказиб берилмапти. Юқорида номи тилга олинган туманлар марказларида пикир кўтариб сув излаб юрган кишиларни учратасиз. Ҳокимликлар, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Сувоқава» ташкилотлари мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаптилар. Оби-хаётга эътибор катта бўлган ёш оиларидаги бундай етишмовчилик аҳолининг ҳалати эътирозларини келтириб чиқараяпти.

Коммунал хизмат кўрсатиш ҳажми ошиб, қўлаи кенгайиб бормоқда. Айни пайтда ўтган йилги хатолар қиши мавсумга тайёргарлик қўриш юмушларига ҳозирданок киришиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида юксалтирилган асосий шартлардан ҳисобланган рақобат му-

Исзат ХИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири


ЮНЕСКО ДИПЛОМИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Янги номлар халқаро хайрия жамғармаси томонидан Францияда ўтказилган «Ижодий мактаб» ўқув-машғулотида Ўзбекистон Бадиий академиясининг республика тасвирий ва амалий санъат коллежи ёш истеъдодлари ҳам фаол қатнашдилар. Ўзбекистонлик ёш рассомлар бу тадбир давомида қатор янги расмлар чизиб, кўпчилик эътиборини ўзига тортидилар. Буларнинг айримлари энг яхши ижод намуналари деб топилди. Шу сабабли улар ЮНЕСКО ташкилоти дипломи билан тақдирландилар.

Ақбар АЛИЕВ



ШАНБА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



КИМЁ ФАНИДАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Республикада умултаълим мактабларида кимё фанидан ҳам ўқувчиларга пухта билим берилмоқда. Бундан дарслик ва ўқув кўлланмаларининг тугган ўрни катта, албатта.

Давлат таълим стандартлари бўйича ёзилган янги ўқув адабиётларидан бир нечтаси босма юзини кўрди. Еттинчи синфлар учун яратилган «Анорганик кимё» дарслиги ҳам энг яхши адабиётлардан бири деб баҳоланди.

Шу сабабли таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардан ундан фойдаланилади.

А.АҚБАРОВ

Илҳом

Абдулла КОМИЛ - агро-сановат мажмуи ходимлари касба уюшма Избоскан туман кўмитаси раиси лавозимида ишлайди. Ўш вақтларида кўнгил иши - шеърят билан шуғулланиди. Муаллифнинг «Меъзон», «Юрак ёнаверди» шеърый тўпламлари чоп этилган. «Ўзбекистон Ватанин маним» кўриктанловининг назм йўналиши бўйича 2002 йилги танловда лауреатлик фахрий унвонини олган. Кўйида шoirнинг шеърларидан намуналар хавола этилган.



УМР

Умр ҳам дарёдир, мавжли бир дарё, Севги оролига ўтаркан кириб, Шабнамда юз чайган ол чечакларга Ҳаёт сувларидан тўйгунча бериб.

Бу сувни ташна қалб сипқорар мутлак, Қажир кўнглиларга бормаиди етиб. Мен эса юракка оққан зилолни Тақдир кўчасига юбордим селиб.

ФАЛАКНИНГ ЎЙНИ

Ёдгорлик тепани қазган маҳали Олимлар топдилар тарихий кўза. Кўзада минг йиллар сақланган шолли, Бир донки, таърифи сизгадир сўзга.

Шу кунни тепанинг қоровули чол, Қазо қилди, кўмдилар уни. Қолдилар фалакнинг ўйинига лол, Унисини бериб, олганди бунни.

МАНЗАРА

Дарё шовуллайди, ўтлоқ эса жим, Майсалар ичдида иккита соя. Гўё уфургандай атрофда эпкин, Оғушлаб, бир-бирин этар ҳимоя.

Ой эса энгашди пастроққа тушиб, Тек туриб қолди у кулгон солиб. Шунда соялар ҳам кетди ажрашиб, Осмондаги Оймомодан уялиб.


Абдулла КОМИЛ

МУЗЕЙ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг ташкил этилганга 85 йил бўлди. Утган давр мобайнида музей катта тараккиёт йўлини босиб ўтди. Жаҳондаги энг катта ўн та музейдан бири бўлган мазкур санъат даргоҳи айни пайтда ўтмиш билан бугунги кунининг боғловчи маънавий кўприк вази-фасини бажармоқда.

Президентимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан янгилаш, тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан музей фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз томонидан ажратилган маблағ эвазига музейнинг қайта таъмирланган фаолият доирасини янада кенгайтириш имконини берди. - дейди музей раҳбари Насиб Иброҳимов. - 50 та залдаги асарлар янгилашиб, бир неча ўн йиллардан буён кўргазмага қўйилмаган нодир топилмалар, халқ амалий санъати намуналари илҳосмандлар дидига мос равишда намойиш этилмоқда.

Музейимизда миллатидан, ёшидан, касбидан қатъи назар барча ўзини қизиқтирган маълумотга эга бўлиш имконияти мавжуд. Кўргазмаларда эраимиздан олдинги даврга мансуб асарлардан тортиб замонадошларимиз ижод намуналаригача ўрин олган. Жумладан, 3.Иноғомовнинг «Бахмалда байрам», «Чойхоначи», А.Абдуллаевнинг «Алишер Навоий», У.Тансиқбоевнинг «Нурек ГЭСи қурилиши», каби миллийликка йўғрилган қатор асарлари томошабинларни узоқ ўрмишдан яқин келажак сари етаклайди. Уларни томоша қилиш орқали расмнинг Она Ватанига, халқига, табиатга бўлган чек-



ренцияда қатнашдилар. Деярли бир ой давом этган кўргазмани томоша қилган минглаб америкаликлар ўзбек гиламдўзалари маҳоратига юксак баҳо беришди. Бундан ташқари, музей ходимлари Тошкентда ўтказилган Европа комиссияси INTASнинг «Темурийлар даври мезморчилиги ва археоматериаллари» мавзусидаги халқаро илмий-назарий семинарда ҳам фаол иштирок эттишти. - Беихтиёр халқимизнинг узоқ ўтмишга эга, юксак маҳорат ҳосиласи бўлган осори-атикаларини кўриб қишининг қалби гурурга тўлади. Қадимий маданиятимиз, ўлмас қадриятларимиз белгиси бўлган кўргазмаларимиздан ўрин ол-

ган тасвирий, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, зардўлик ва заргарлик санъатларининг ажойиб намуналари ўзи бир тарих. Мисол учун, XIX асрда яратилган чинқиқ деб номланувчи санъат намунаси узоқ йўлга отланган йўловчининг чинқи қоса ва пилалари учун мўлжалланган. Бир кўринишда бош кийимини эслатувчи бу дурдона яратувчининг ўзига хос маҳорат эгаси бўлганлигидан далolat беради. Афсуски, бу маънавий бойликлардан ҳамма ҳам бирдай баҳраманд бўлаётгани баъзан кишини ажаблантиради. Уйга толдиради. Қани эди, ёш қари халқимизнинг узоқ ўтмиши, ҳозир ва келажакдан сўзловчи асарлар билан яқиндан танишиб борсала. Зеро, ўтмиши билмай туриб келажак сари дадил қадам ташлаб бўлмайди. Мен кўпроқ ўқувчи ва талаба ёшларимизнинг музей экспонатларидан баҳраманд бўлишларини истардим.

Музей раҳбарининг қуночқ сўзларида жон бор. Ҳақиқатдан ҳам маданий меросимиз билан танишишга кўпгина фурсат ва хоҳиш топа олмайдим. Ваҳоланки, миллатимиз тарихидан барча бохабар бўлмоғи, ота-боболаримиз буюк меросидан қалбларда фахр туйғулари жўш урмоғи керак. Зеро, миллатидан, халқидан, она юртидан фахр туйғуси инсонга қанот бахш этади.

Роза САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» муҳбири

Биласизми?

ТАБИАТ ҚОНУНИЯТИ БУ

Туя ташналикка энг чидамли ҳайвон саналиб келинади. Бу жонивор икки ҳафтача сув ичмай, кўпчиликни ҳайратга соларди.

Лекин бу борадаги рекорд бошқа ҳайвонга тегишли эканлиги маълум бўлиб қолди. Мексикадаги олмаҳонлар сувсиз уч ой яшай оларкан.

Совуқ - оқ айқнинг жони. Аммо Норвегияда олиб борилган тажрибалар қаттиқ совуққа чидашда қўб ўрдагининг олдига тушадигани йўқлигини кўрсатди.

Бундан паррандалар 110 даража совуққа чидаб, ўзига хос рекорд қўйди. Совуққа чидаш бўйича гоз билан оқ айқ иккинчи ва учинчи ўринларни ўзаро баҳам кўришди.

Бўйига: 10.Уйиб ёки буюк билан ишланган миллий безак. 11.Савдо муомаласи тури. 12.Қон томири. 16.Ўзбек халқ мақоми. 17.Харир тола. 18.Финляндия парламенти. 28.Қадимги қишлоқ хўжалиги қуроли. 29.Шифобахш жануб ўсимлиги. 30.Ихтиёрдаги бойлик. 34.Ширинлик. 35.Муаммонинг ҳал этилиши. 36.Футбол ўйини қисми.

Энига: 2.Африка шимолдаги давлат. 4.Бир давлатнинг иккинчи давлатга ёган расмий дипломатик муносабатномаси. 6.Тўқимачилик маҳсули. 8.Ғафур Ғулومнинг фалсафий шеъри. 20.Фалла экинчи. 22.Санъат тури. 24.Электр зина. 38.Бош кийимига тақиланган зинабат буюми. 40.Заргарлик ашёси, қимматбаҳо тош. 42.Венгер композиitori. 44.Транспортнинг йўналиши бўйича бир қатнови.

МУАММОНОМА Очқич сўзлар: 1.Шариф шаҳар - 17,18,9,11,19,11. 2.Тоғ чўққиси - 12,11,5. 3.Осиё жанубидаги давлат пойтахти - 8,16,10,7,6. 4.«Ғафдон қуш» - 20,14,20,6. 5.Пўлат сандиқ - 15,16,2,13. 6.Еритгич - 3,1,4.

Энди жавоб сўзлари асосида шаклнинг ички қисмларидаги рақамларда яширинган икки ҳикматни билиб олинг.

Ф.ОРИПОВ тузди

Газетамизнинг 9-июл сонидagi «СПОРТ» ҲАЙВОР-ДИНИНГ ЧАВОНЛАРИ

- 1.Тўлағанова. 2.Атлетика. 3.Ақбаров. 4.Волейбол. 5.Лангар. 6.Ралли. 7.Июнов. 8.Аллуор. 9.Рекорд. 10.«Дельфин». 14.Нокаут. 12.Теннис. 13.Спартакиада. 14.Арзимова. 15.Альпинизм. 16.Мерганлик. 17.Қураш. 18.Шердонаев. 19.Вазият. 20.Тўп. 21.«Пахтакор». 22.Ринг. 23.Ғейм. 24.Москалёва. 25.Арена. 26.Аут. 27.Тандем. 28.Марказ.

МУАММОНОМА Очқич сўзлар: 1.Ҳақими. 2.Старт. 3.Исакова. 4.Жанг. 5.Лайло. Ибратли сўзлар: Жисмоний ҳаракат - саломатлик гарови.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда буюк хизматлари билан танилган кекса олима Галина Пугаченкова ҳақида кўп илик сўзларни айтиш мумкин. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, бир қатор Европа давлатлари институтларининг муҳбир аъзоси бўлган олима ўз фаолиятида Ўзбекистон тарихига доир катта ҳажмдаги илмий асарлар йиғиндисини яратди.

Турли жаҳон энциклопедияларида унинг номини учратиш мумкин. Г.Пугаченкова ўзининг илмий мақолалари ва китобларининг кўпчилиги билан Генниснинг рекордлар китобидан ўрин эгаллаган. Аниқлашчи, ҳозирги кунда саккиз юзга яқин илмий ишлар қилган бошқа олима аёл дунёда топилмаган.

Ўзбекистон санъати, аниқроғи Шарқ халқлари санъати тарихининг муртақил фан соҳаси сифатида шаклланиши Г.Пугаченкова номи билан узвий боғлиқ. Олиманинг бунга алоқадор юксак аҳамиятли ва кенг қўламли тадқиқотлари мавжуд.

У археолог сифатида Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Эрон ҳудудларида олиб борилган илмий текширувларда мунтазам иштирок этган.

Кекса муаррихнинг илмий фаолияти Марказий Осиё маданий юксалишини тадқиқ этишда жуда муҳим ўрин тутди. Антик давр, шунингдек, Буюк Турон цивилизацияси тарихида сезиларли из қолдирган даврлар, Парфия ва Бактрия бадиий маданиятига алоқадор амалга оширилган кўп ишлар унинг номи билан боғлиқ. Олиманинг хизматлари эвазига биринчи марта

Парфия ва Бактриянинг қадимий ва ўзига хос санъати қайта тилга кирди.

ГЕННИСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРГАН ОЛИМА Галина Пугаченкованинг 800га яқин илмий ишлари мавжуд

Фарб олимлари бу кўҳна маданиятни инкор этиб, уни юнон-рим маданияти қолдиғи деб ҳисоблаган. Галина Пугаченкова эса археологик топилмалар, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат бўйича кенг маълумотларга таяниб, уларнинг даъволарини пучга чиқарди. Шу асосда қадим Шарқ маданияти ҳам чуқур илдизга эга эканлигини дунё фани оламида исботлади.

Парфия ритонлари ва ҳайкалтарошлиғи, сўнгги даврларда меъморчилик ривожига оид маълумотларни кўпчилик китоб, маъруза ва мақолаларида акс эттирди. Жанубий Туркманистон доирасидаги тадқиқотларда эса арақларни муҳассамлашиши ва унинг Хиндистон, Эрон, Қадимги Греция, Рим маданий аъёналари билан боғлиқлиги фанда исботланди.

1960-йилларда Г.Пугачен-

Фахр

кова бошқарган Ўзбекистон санъатшунослик комплекс экспедицияси биринчи йиллардан оқ катта доврў қозонди. Баъзи олимлар фикрига кўра афсонавий ҳисобланган Бактрия ҳақиқатга айлангандир. Кўп сонли ҳайкалтарошлик намуналари, деворий сурат-

нучви санъатшунос, музей-шунос, меъмор, тарихчи ва шарқшунослар учун муҳим манбаларга айланган. Унда Ўзбекистон санъати эволюциясининг муҳим босқичлари, янги санъатшунослик атамалари ва тушунчалари акс эттирилган. У нафақат Шарқ антик

даври санъатини, балки ўрта асрлар меъморчилик мактаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини мутахассис сифатида кўпгина асарларида ёритиб беради. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро миниатюра мактабларидаги мавжуд аъёналар, бадиий воситалар ва тасвирий ифодаларни аниқлашда ҳам катта хисса қўшган.

Умрини илмга бағишлаган фидойи ва ҳассос олима Галина Пугаченкова ҳозир ҳам ижод пиллаюзида юқорилашдан чарчагани йўқ. Унинг илмий мақола ва китоблари чоп этилиб турибди. Яна бир янги китоби Францияда босмадан чиқиб арафасида. Бу албатта олимага катта куч бахш этади деган умиддамиз.

Шахноза АХМАДЖОНОВА, санъатшунос

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 01.40.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.